



**QO'QON SIVILIZATSIYASI RIVOJI: QO'LYOZMA VA ARXIV  
MANBALAR TAHLILI**

**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFRENSIYA**

---

**THE DEVELOPMENT OF THE KOKAND  
CIVILIZATION: ANALYSIS OF MANUSCRIPT AND  
ARCHIVAL SOURCES**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA  
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
QO‘QON DAVLAT UNIVERSITETI**

**“QO‘QON SIVILIZATSIYASI RIVOJI: QO‘LYOZMA VA  
ARXIV MANBALAR TAHLILI”**

**“РАЗВИТИЕ ЦИВИЛИЗАЦИИ КОКАН: АНАЛИЗ  
РУКОПИСЕЙ И АРХИВНЫХ ИСТОЧНИКОВ”**

**“THE DEVELOPMENT OF THE KOKAN CIVILIZATION:  
AN ANALYSIS OF MANUSCRIPTS AND ARCHIVE  
SOURCES”**

**mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya  
materiallari**

**2026-yil 20-21-may**

**QO‘QON-2026**

<b>Жиззах вилоятида кичик бизнес корхоналарининг шаклланиши ва фаолияти (1991-2016 йиллар)</b> С.Б.Шадманова	10-27
<b>Источники финансирования жилищного строительства в переселенческих колхозах Узбекистана в 1940-1950-х годах</b> Турдибай Рузибаевич Шадманов	28-41
<b>AHOLI O‘RTASIDA KENG OMMALASHGAN AYRIM HUNARMANDCHILIK TURLARINING YUZAGA KELISHI VA RIVOJLANISHI</b> Mamadaliyeva Xayriniso Raxmatjon qizi	42-48
<b>KULOLCHILIK SAN’ATI TARIXI</b> Sulaymonova Shaxnozaxon Muqumjon qizi	49-54
<b>MING URUG‘INING FARG‘ONA VODIYSIGA JOYLASHUVI TARIX</b> Sh.Toshmatov	55-60
<b>MUSTAQILLIK YILLARIDA FARG‘ONA VODIYSIDA IMKONIYATI CHEKLANGAN BOLALAR VA MUHTOJ AHOLI QATLAMINING QO‘LLAB-QUVVATLANISHI</b> Raxmonov Elyorjon, Xolmatov Muxsin Mo‘ydinovich	61-65
<b>XIX ASR IKKINCHI YARMIDA QO‘QON XONLIGINING SAVDO VA BOJ TIZIMI</b> Nabijonov Sirojiddin Abdumutalib o‘g‘li	65-73
<b>O‘ZBEK XALQ HUNARMANDCHILIGI TARIXI VA UNING BUGUNGI KUNDAGI ISTIQBOLLARI</b> Usmonova Muxlisaxon Sobirovna	74-78
<b>QO‘QON XONLIGINING AGRAR MASALALARIGA DOIR</b> Mamurov Muzaffar Meliqo‘zievich	79-83
<b>QO‘QON SHAHRIDA SOG‘LIQNI SAQLASH TIZIMINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI (1920–1960-YILLAR)</b> Mansurov Ulug‘bek Umarovich	84-95
<b>QO‘QON SIVILIZATSIYASINING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI: TARIXIY-MADANIY MEROS VA ZAMONAVIY TARAQQIYOT OMILLARI</b> Abdunosirov Ozodbek Abdumansur o‘g‘li, Maroziqov Akmaljon Abdurashidovich	95-100
<b>Qo‘qon xonligi tarixshunosligi: qo‘lyozma va arxiv materiallari tahlili</b> Ibrohimova Saodatxon Ikromjon qizi, Maroziqov Akmaljon Abdurashidovich	100-104
<b>Продовольственный кризис и демографические изменения в Туркестане в 1917-1924 гг</b> Рузматова Шаходат Абдукаххаровна, Мустафокулова Жаннатхон Кенжабой кизи	104-111
<b>QO‘QON XONLIGIDA METALLGA ISHLOV BERISH BILAN BOG‘LIQ HUNARMANDCHILIK SOHALARI</b> Yuldashev Ulugbek Kadirjanovich	111-115
<b>QO‘QON XONLIGINING IJTIMOIIY-IQTISODIY MUNOSABATLARI</b> Odiljonov Xayitali Shavkatjon O‘g‘li	116-121

<b>ISTIQBOLLARI</b> <b>Kodirov Barxayotjon Sobirjonovich</b>	
<b>YANGI O‘ZBEKISTONDA TARAQQIYOT STRATEGIYASI</b> <b>B.Kodirov</b>	<b>530-533</b>
<b>FARG‘ONA VODIYSIDA ICHKI ISHLAR ORGANLARI FAOLIYATI (1917-1923 YILLAR)</b> <b>Temirova Mashhura Muhammadaminovna</b>	<b>534-541</b>
<b>Qo‘qon xonligida tarixnavislik rivoji</b> Xaydarova Ro`zixon Abdurasul qizi	<b>542-546</b>
<b>RAQAMLI JAMIYAT SHAROITIDA YOSHLAR MEDIASAVODXONLIGI: INNOVATSION VA XALQARO YONDASHUVLAR</b> <i>Boymatov Farhodjon Ziyodqo‘zi o‘g‘li</i>	<b>547-551</b>
<b>Qo‘qonning ma’naviy xazinasi: Amiriy kutubxonasi</b> <b>Soipova Orzugul Inomjon qizi</b>	<b>552-554</b>
<b>Qo‘qon tarixi tarixshunosligi</b> <b>Alimova Gulzodaxon A‘zamovna</b>	<b>555-559</b>
<b>QO‘QON XONLIGI TARIXIGA OID MANBALAR VA ULARNING TARIXSHUNOSLIKDAGI TALQINI</b> <b>Gulzodaxon Alimova, Alimardon Jo‘liboyev</b>	<b>560-565</b>
<b>QO‘QON XONLIGI TARIXNAVISLIK MAKTABIDA “TARIXI SHOHRUHIY” ASARINING O‘RNI VA ROLI.</b> <b>Esonov Ziyodjon Yuldashevich, Aliyeva Sevinchxon G‘ofurjon qizi</b>	<b>566-569</b>

## **I SHO‘BA: QO‘QON SIVILIZATSIYASINING TARIXIY RIVOJI, IJTIMOIY-IQTISODIY VA MADANIY JIHATLARI**

### **Жиззах вилоятида кичик бизнес корхоналарининг шаклланиши ва фаолияти (1991-2016 йиллар)**

**Т.ф.д., проф. С.Б.Шадманова**

**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондиришда, уларга пуллик хизмат кўрсатишда кичик корхоналар ва ширкатлар алоҳида аҳамият касб этади. 1993 йилда Жиззах вилоятида шаҳар ва туман ҳокимиятлари томонидан рўйхатдан ўтказилган 903 та кичик корхоналар ва ширкатлардан 559 таси ёки 62 фоизи фаолият кўрсатган. Натижада 10 мингдан ортиқ кишилар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилган. Ҳаракатдаги кичик корхоналардан 87 таси истеъмол моллари ишлаб чиқаришга, 74 таси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, 215 таси қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга, 5 таси савдо тижорат ишлари билан, 53 таси аҳолига пуллик хизмат кўрсатишга, қолган 138 таси бошқа хилдаги фаолият кўрсатишга ихтисослашган эди. 1993 йилда улар томонидан 957 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизмат кўрсатилди ҳамда маҳаллий бюджетга 90 миллион сўм солиқ ундирилди<sup>1</sup>. Аммо, бевосита истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар-сони жуда кам эди. Масалан, 559 та фаолият юритаётган кичик корхоналардан фақат 87 таси, яъни 15 фоизи истеъмол моллари ишлаб чиқарган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ бўлишига қарамай, фақат 74 та кичик корхона ёки

---

<sup>1</sup> Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 3-рўйхат, 40-иш, 30- варақ.

13% қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган<sup>2</sup>. 1993 йилда солиқ тўламаганлиги сабабли 204 та кичик корхона ва ширкатлар фаолияти тўхтатилган.

Фармонлар ва ҳукумат қарорларининг бажаралиши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорати комитетининг Жиззах шаҳар давлат назорати инспекцияси томонидан текшириб борилди. Айниқса, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган фармонлар ҳамда ҳукумат қарорларининг рўёбга чиқарилиши, бюджет молия маблағлари ва моддий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги, молия ва солиқ хизмат идоралари фаолияти ҳамда бухгалтерлик ҳисоб-китобиларининг белгиланган ягона усулда олиб борилиши ва уларнинг ҳаққонийлигини назорат қилишга жиддий эътибор берилди. Хусусан, 1993 йил мобайнида Жиззах шаҳар давлат назорати инспекцияси томонидан 49 назорат тадбирлари ўтказилди. Шулардан 4 та масала ҳокимиятларда кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди ва чоралар белгиланди. Ўтказилган назорат тадбирлари натижасида муайян иқтисодий самарадорликка эришилди. Аниқланган камомад, моддий бойлик ва пул маблағлари исрофгарчиликларининг умумий суммаси 850.170 сўмни ташкил этди, давлат бюджетига 11.202.070 сўм ўтказилди<sup>3</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутди. 2001 йилда Жиззах вилоятида 9 минг 500 га яқин кичик ва ўрта бизнес корхонаси фаолият кўрсатган<sup>4</sup>.

Шуниси эътиборлики, бу ерда ҳар минг нафар меҳнатга лаёқатли кишига 16 та кичик ва ўрта бизнес субъекти тўғри келади. Бу мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан анча кўп демакдир. Бундай корхоналарнинг

<sup>2</sup> Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 3-рўйхат, 40-иш, 31- варақ.

<sup>3</sup> Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 3-рўйхат, 152-иш, 72- варақ.

<sup>4</sup> Каримов И. Ислоҳотлар изчиллиги – тараққиётимизнинг муҳим омили / Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10 том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.87.

вилоят бўйича ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоизни ташкил этган. 2001 йил 14 сентябрида Жиззахда II чақириқ халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов сўзлаган нутқида бу масалада вилоятда катта иш қилинганлиги, лекин бу корхоналарнинг аксарияти тижорат билан эмас, бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланишига эришиш кераклигига йиғилганлар эътиборини қаратди. 2001 йил ярим йили мобайнида вилоятда кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 120 миллион сўм кредит ажратилган. Лекин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан Жиззахдек катта вилоят учун бу етарли эмаслиги алоҳида таъкидланган эди<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4725-сонли Фармони ҳамда 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2340-сонли қарорига кўра берилган топшириқлар ижроси таъминланган. Вилоят иқтисодиётида кичик бизнеснинг роли тобора ортиб борган. 2015 йилнинг биринчи ярмида кичик бизнеснинг вилоят иқтисодиётидаги улуши sanoat соҳасида 41,9 фоизни, қишлоқ хўжалигида 100 фоизни, қурилишда 92,6 фоизни, пуллик хизмат кўрсатишда 43 фоизни, юк ташиш соҳасида 89,4 фоизни, чакана савдо соҳасида 37,1 фоизни, инвестициялар ҳажмида 44,9 фоизни, юк ташиш соҳасида 89,4 фоизни, йўловчи ташиш соҳасида 93,7 фоизни ташкил этганлиги тадбиркорликни жадал ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. Йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан кичик бизнес

---

<sup>5</sup> Каримов И. Ислохотлар изчиллиги – тараққиётимизнинг муҳим омили / Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10 том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.87.

субъектларига 191,3 миллиард сўм миқдориди кредит маблағлари ажратилди. Бу 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 22 фоиз кўпдир<sup>6</sup>.

Вилоятдаги экспортёрлар-сони 2014 йилда 22 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 тага кўпайган. Ҳисобот даврида ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан асосан Афғонистон, Қозоғистон ва Россия давлатларига экспорт амалга оширилди. Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан амалга оширилган маҳсулот экспорти умумий вилоят экспортининг 54,0 фоизини ташкил этган<sup>7</sup>.

2014 йилда вилоятда маҳаллийлаштириш дастури доирасида 5 корхонада 39,2 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш эвазига 1405 минг АҚШ доллари миқдориди валюта иқтисод қилинди<sup>8</sup>.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги 2015-2019 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришни тизимли янгилаш, модернизациялаш ва диверсификациялашга доир қарорига мувофиқ вилоятда корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, мавжудларининг имкониятларини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда экспорт салоҳиятини кучайтиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилган. Жиззах вилоятида 2015 йилда саноат соҳасида 254 миллиард сўмлик 213 лойиҳа амалга оширилди. Корхоналар модернизация қилиниб, 50 дан зиёд турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди<sup>9</sup>.

Жиззах вилояти Зомин туманидаги Халқобод маҳалласида Жанубий Кореялик ишбилармонлар томонидан “TRUST ELECTRONICS” масъулияти чекланган жамияти шаклида янги корхона ишга туширилди. Корхонанинг қурилиши ўтган 2014 йилда бошланган бўлиб, унинг битказилиши ва ишлаб чиқариш ускуналари жами қиймати 7 млрд 400 миллион сўм инвестиция

---

<sup>6</sup>Вилоят ҳокими тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказди // <http://jizzax.uz/main/page/916>

<sup>7</sup> 2014 йилда Жиззах вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва иқтисодиётнинг муҳим йўналишларида иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳақида маълумотнома // <http://jizzax.uz/main/page/160>

<sup>8</sup> Камолов Т. Вилоят фаолларининг йиғилиши // Жиззах ҳақиқати. – 2014. - №92 (5505).

<sup>9</sup> Истикболли лойиҳалар самараси // <http://jizzax.uz/uz/2016/02/04/istikbolli-loyihalar-samarasi/#more-3556>

маблағлари сарфланди. Йилига 200 минг дона майда маиший техника ва персонал компьютерлар учун монитор ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мазкур корхонанинг биринчи қисми ишга туширилиб, 70 та янги иш ўрни яратилди<sup>10</sup>.

**Қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар.** Вилоятда 221 та қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу саноат муассасалари томонидан 2015 йилда 118,5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. “Жиззах” махсус индустриал зонасида фаолият юритаётган “Зенаткор темир-бетон буюмлари” корхонаси соҳа етакчиларидан ҳисобланади. 2015 йилда мазкур жамоа томонидан 36 минг метр куб темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарилди<sup>11</sup>.

Қурилиш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши 2015 йилда мазкур йўналишдаги 77 та лойиҳанинг самарали тадбиқ этилиши учун омил бўлди. Бу мақсадга 67,5 миллиард сўм сарфланди. Янги корхоналарнинг ишга туширилиши 26,7 миллиард сўмлик қурилиш маҳсулотлари тайёрлаш имконини берди. Хусусан, Жиззах шаҳридаги “Агроквант” корхонаси жамоаси томонидан 2015 йилда иситиш қозонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 2016 йил февралигача “Агроквант” тамғаси босилган уч мингдан ошиқ иситиш қозонлари тайёрланди. Мирзачўл туманидаги “Golden plain” корхонасида профнастил материаллари тайёрлаш ўзлаштирилди. Бундан ташқари, вилоятда юздан зиёд қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик ва хусусий корхоналар фаолият кўрсатган. Мазкур саноат корхоналарининг асосий қисми ўз савдо шохобчаларига эга. Бу эса чекка ҳудудларда яшовчи аҳолини зарур қурилиш ашёлари билан самарали таъминлаш имконини берган<sup>12</sup>.

---

<sup>10</sup> Зоминда янги хорижий корхона ишга туширилди // <http://jizzax.uz/uz/2015/08/25/zominda-yangi-xorijiy-korxona-ishga-tushirildi/#more-1764>

<sup>11</sup> Али Т. Маҳсулот сифати ва ҳажми ортмоқда // Жиззах ҳақиқати. – 2016. – 10 феврал (№13).

<sup>12</sup> Али Т. Маҳсулот сифати ва ҳажми ортмоқда // Жиззах ҳақиқати. – 2016. – 10 феврал (№13).

Курилиш материаллари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналардан бири Пахтакордаги “Пахтакор манзараси” хусусий корхонасидир. 2014 йилда ишга тушган корхонада дастлаб чет эл технологияси асосида тунука томёпма материаллари тайёрлаш ўзлаштирилди. Буюртмага кўра эшик ва дераза ромлари, турли ўлчамдаги тарновлар яшаш йўлга қўйилган<sup>13</sup>.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари.** 2015 йилда Жиззах шаҳрида 3 та мева-сабзавотни қайта ишлаш, 4 та сут ва гўштни қайта ишлаш корхоналари, 2 та терини қайта ишлаш корхоналари фаолият юритди<sup>14</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1992 йил 10 февралдаги 337-рақамли ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрдаги 443-рақамли “Маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш бирлашмаларига қарашли давлат корхона ташкилотларини давлат тасаруффидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қарорлари асосида вилоятда бу соҳада ишлар амалга оширила бошлади.

1990-йиллар бошида вилоят иқтисодиётида бошланган хусусийлаштириш жараёнлари маъмурий-буйруқбозликка асосланган режали иқтисодий моделдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим институционал босқичини ташкил этди. 1991 йилда нодавлат секторнинг иқтисодиётдаги улуши атиги 2 фоизни ташкил этган бўлса, 1995 йилга келиб бу кўрсаткич 86 фоизга етди<sup>15</sup>. Бу ҳолат иқтисодий тизимдаги ўзгаришлар алоҳида соҳалардаги ислохотлар эмас, балки бутун иқтисодий структурани қамраб олган тизимли трансформация характерида эга бўлганини кўрсатади.

Дастлабки босқичда хусусийлаштириш асосан маиший хизмат, маҳаллий саноат ва савдо объектлари орқали амалга оширилди. 1992 йилда вилоят бўйича 7 та корхона ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди, 93 та

<sup>13</sup> “Пахтакор манзараси” сизни чорлайди // Жиззах ҳақиқати. – 2016. – 5 август (№65).

<sup>14</sup> Жиззах шаҳар паспорти. – Жиззах, 2015. – Б.5 / Жиззах вилояти ҳокимлиги жорий архивидан

<sup>15</sup> Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 11-рўйхат, 57-иш, 45- варақ.

маиший хизмат ва маҳаллий саноат шохобчалари хусусийлаштирилди. Бу кўрсаткичлар режалаштирилган ҳажмдан 2,5 баробар кўп бўлиб, хусусийлаштириш жараёнининг маъмурий тартибда эмас, балки бозор муносабатлари мантиқи асосида тезлашганини кўрсатади<sup>16</sup>. Ушбу босқич хусусий мулк институтининг шаклланиши учун ҳуқуқий ва ташкилий асосларни яратиш вазифасини бажарди.

1993 йилдан бошлаб хусусийлаштириш жараёни бозор механизмлари орқали чуқурлашди. Вилоятда биринчи марта кўчмас мулк объектларини “ким ошди” савдоси орқали сотиш амалиёти жорий этилди. Ушбу аукционда савдо, маиший хизмат ва қурилиши тугалланмаган объектлар иштирок этди. 10 та объектга 17 нафар харидор чиқиши бозор рақобат муҳитининг шакллана бошлаганини кўрсатади. Объектларнинг бошланғич нархи 1,2 млрд сўм-купон бўлган бўлса, улар қарийб 12 млрд сўм-купонга сотилиб, 10,79 млрд сўм-купон соф фойда олинган<sup>17</sup>. Бу ҳолат давлат мулкининг формал актив сифатида эмас, балки бозор иқтисодиёти шароитида реал капитал сифатида баҳолана бошлаганини англатади. Шу билан бирга, 1993 йилда маҳаллий саноат, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат соҳаларидаги ўнлаб бўлим ва шохобчалар хусусийлаштирилиши хизматлар иқтисодиётига устуворлик берилганини кўрсатади.

1994–1996 йилларга келиб хусусийлаштириш жараёни иқтисодий структурани тубдан ўзгартирди. Агар 1993 йилда вилоятда 2294 та корхона ва ташкилот мавжуд бўлиб, уларнинг 55 фоизи нодавлат секторга тегишли бўлган бўлса, 1996 йил бошларига келиб 4470 та корхона ва ташкилотдан 87 фоизи нодавлат секторда фаолият юритган<sup>18</sup>. Бу кўрсаткичлар иқтисодий муносабатларнинг давлат монополиясига асосланган моделдан кўпукладли иқтисодий тизимга ўтишини ифода этади. Нодавлат сектор таркибида хусусий корхоналар, кичик бизнес субъектлари, фермер хўжаликлари,

<sup>16</sup> Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 3-рўйхат, 40-иш, 29- варақ.

<sup>17</sup> Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 6-рўйхат, 769-иш, 25- варақ.

<sup>18</sup> Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 11-рўйхат, 57-иш, 39- варақ.

ширкатлар, ижара корхоналари, акционерлик жамиятлари ҳамда аралаш мулк шаклидаги субъектларнинг мавжудлиги иқтисодиётда мулккий диверсификация жараёнини кўрсатади.

Айниқса, акционерлаштириш жараёни институционал жиҳатдан муҳим аҳамият касб этди. Агар 1992–1993 йилларда 32 та акционерлик жамияти мавжуд бўлган бўлса, 1996 йилга келиб уларнинг-сони 195 тага етди. Уларнинг катта қисми акция чиқариб, жами 11 миллиондан ортиқ акция муомалага киритилди<sup>19</sup>. Бу ҳолат молиявий бозор элементларининг шакллана бошлаганини, корпоратив бошқарув институтларининг пайдо бўлганини англатади. Бироқ сотилган акциялар улушининг нисбатан пастлиги аҳолининг инвестицион имкониятлари чеклангани, капитал бозори инфратузилмаси ҳали тўлиқ шаклланмаганини кўрсатади.

1996 йилга қадар 1544 та объектнинг хусусийлаштирилиши, шунингдек, давлат дастурида белгиланганидан ташқари яна 71 та объектнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши хусусийлаштириш сиёсати марказлашган маъмурий қарорлар билан чекланиб қолмасдан, амалий механизмлар орқали изчил равишда амалга оширилганини кўрсатади<sup>20</sup>.

Шунингдек, вилоятдаги мавжуд 92 та чорвачилик фермаларидан 88 таси хусусийлаштирилди, шундан 45 таси шахсий мулк қилиб сотилди. Хусусий корхоналарнинг кўпайиши натижасида рақобат муҳити вужудга келди. Аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, халқ истеъмол молларига, хизматларга бўлган эҳтиёжи янада тўлароқ қондирила бошлади. Фақат 1995 йилда 836 фермер хўжаликлари тегишли тартибда рўйхатдан ўтди. Уларга жами 32 минг гектар ер майдони ажратиб берилган. Бу хўжаликларда 6 мингга яқин киши меҳнат қилган. Хусусийлаштирилган чорвачилик фермалари томонидан 3240 тонна гўшт, 16.641 тонна сут ишлаб

---

<sup>19</sup> Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 11-рўйхат, 57-иш, 39- варақ.

<sup>20</sup> Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 11-рўйхат, 57-иш, 39- варақ.

чиқарилди. Бу жами ишлаб чиқарилган гўштнинг 16,2 фоизи ва сутнинг 35,5 фоизини ташкил қилди<sup>21</sup>.

1990-йиллар ўрталарида хусусий секторнинг жадал ривожланиши меҳнат бозоридаги вазиятни барқарорлаштиришда асосий омиллардан бирига айланди. Хусусий корхоналар-сонининг кўпайиши ишсизлик даражасининг пасайишига бевосита таъсир кўрсатиб, иқтисодий фаол аҳолининг иш билан таъминланиш имкониятларини кенгайтди. Фақат 1995 йилнинг ўзидаёқ кичик ва хусусий корхоналарнинг кўпайиши ҳисобига 18 минг нафар аҳоли иш ўрни билан таъминлангани бу соҳанинг ижтимоий аҳамиятини яққол кўрсатади. Шу даврга келиб, фермер хўжаликлари, кичик ва хусусий корхоналарда жами 62 минг нафар фуқаро<sup>22</sup> меҳнат фаолияти билан шуғуллангани хусусий секторнинг вилоят иқтисодиётидаги улуши нафақат иқтисодий, балки ижтимоий барқарорлик нуқтаи назаридан ҳам стратегик аҳамият касб этганини англатади. Бироқ тармоқлар кесимидаги таҳлил хусусий тадбиркорлик ривожиди муайян номутаносибликлар мавжуд бўлганини кўрсатади. Жумладан, 1996 йилда мавжуд хусусий корхоналарнинг 55 фоизининг савдо-сотик соҳасига тўғри келиши иқтисодиётда тез айланувчи капиталга асосланган, хавфи кам ва тез даромад берувчи фаолият турлари устунлик қилганини англатади. 30 фоизни фермер хўжаликларининг ташкил этиши эса қишлоқ хўжалиги соҳасида хусусий мулкчилик муносабатларининг шаклланаётганини ва аграр секторда бозор иқтисодиёти механизмлари босқичма-босқич жорий этилаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, саноат, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат соҳаларида фаолият юритган хусусий корхоналар улушининг атиги 15 фоизни<sup>23</sup> ташкил этиши иқтисодиётнинг реал секторини хусусийлаштириш жараёни суст кечганини, капитал талаб этувчи тармоқларга хусусий

<sup>21</sup> Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 11-рўйхат, 57-иш, 39- варақ.

<sup>22</sup> Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 11-рўйхат, 57-иш, 40- варақ.

<sup>23</sup> Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 11-рўйхат, 57-иш, 40- варақ.

сармояларни жалб этишда институционал, молиявий ва инфратузилмавий тўсиқлар мавжуд бўлганини англатади.

Шу нуқтаи назардан, хусусий корхоналарнинг кўпайиши ишсизлик муаммосини қисман ҳал этган бўлса-да, уларнинг соҳавий таркиби иқтисодий диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш сектори ва хизматлар соҳасини чуқур ривожлантириш вазифалари тўлиқ таъминланмаганини кўрсатади. Демак, 1990-йиллар ўрталарида хусусий секторнинг ривожини вилоятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва аҳолини иш билан қамраб олишда муҳим рол ўйнаган, бироқ унинг тузилмавий йўналиши асосан савдо ва аграр соҳалар билан чекланган ҳолда қолиб, саноатлашув ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш вазифалари кейинги босқичларга қолдирилганини илмий жиҳатдан қайд этиш мумкин.

Вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг 55-сонли қарорининг 6 бандида кўрсатилган фойдаланилмай, бўш турган бино ва иншоотларни хусусий тадбиркорларга ижарага бериш ва “Ким ошди” савдосида сотиш борасидаги кўрсатмага асосан 175,6 минг кв.метрдан иборат 114 та бўш турган бинолар рўйхатга олиниб, шундан 24 та бўш турган бинолар (жами 17,2 минг кв метр) хусусий тадбиркорларга “Ким ошди” савдоси орқали сотилган. 63 та ёки 93,3 минг кв.метр бўш турган бинолар тадбиркорларга ижарага берилган.

Вилоят туманларида қурилиши тугалланмаган объектлардан самарали фойдаланиш мақсадида 1995 йилда жами 93 та объект рўйхатга олиниб, шундан 1996 йилда 25 таси Кўчмас мулк биржаси орқали 1208,0 минг сўмга тадбиркорларга сотилди<sup>24</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 мартдаги 171-сонли қарори ва вилоят ҳокимининг 1994 йил 2 май 139-фармойиши асосан вилоят “Кўчмас мулк” биржаси 1995 йил давомида жами 68 маротаба кўчмас мулк савдолари ўтказди. Шундан 40 таси “Ким ошди” ва

---

<sup>24</sup> Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 11-рўйхат, 57-иш, 42- варақ.

29 таси “Танлов” савдосидир. Бу савдоларда 450 та объект савдога қўйилиб, шундан 397 та кўчмас мулк, 39,3 миллион сўмга сотилган<sup>25</sup>.

Республика миқёсида тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан давлат ҳимоясига олиниши бозор иқтисодиёти институтларининг барқарор шаклланиши учун институционал замин яратди. Бу жараён нафақат миллий иқтисодиёт, балки ҳудудий, хусусан, вилоятлар иқтисодиётининг барқарор ва узлуксиз ривожланишини таъминловчи муҳим омил сифатида намоён бўлди. Давлат томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларининг кафолатланиши инвестиция муҳитини яхшилаш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ва иқтисодий фаолликни рағбатлантириш орқали тадбиркорлик субъектлари-сонининг жадал ўсишига хизмат қилди. Мазкур тенденция Жиззах вилояти мисолида яққол кўринади. Хусусан, 2015 йилга келиб вилоятда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари-сони 9 315 тани ташкил этгани ҳудуд иқтисодиётида хусусий секторнинг институционал жиҳатдан мустаҳкамланиб борганини кўрсатади. 2010–2015 йиллар оралиғида тадбиркорлар-сонининг 41 фоизга ўсиши<sup>26</sup> эса мазкур жараённинг тасодикий эмас, балки тизимли давлат сиёсати, ҳуқуқий ислоҳотлар ва иқтисодий рағбатлантириш механизмлари натижаси эканини англатади. Бу ўсиш тадбиркорликни фақат иқтисодий фаолият шакли сифатида эмас, балки ҳудудий ривожланишнинг стратегик ресурси сифатида шакллантира бошлаганини кўрсатади.

Соҳалар кесимидаги таҳлил хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги реал улушини янада аниқроқ намоён этади. Айниқса, қурилиш-монтаж ишларининг 92,6 фоизи, юк ташиш хизматларининг 89,6 фоизи, йўловчи ташиш соҳасининг 93,7 фоизи ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг 100 фоизининг тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келиши хусусий секторнинг иқтисодиётнинг базавий тармоқларида ҳал

---

<sup>25</sup> Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 11-рўйхат, 57-иш, 42- варақ.

<sup>26</sup> Камолов Т. Тадбиркорлар давлат ҳимоясида // Жиззах ҳақиқати. – 2015. – 19 сентябрь (№78).

килувчи ўринга эга бўлиб борганини кўрсатади<sup>27</sup>. Бу ҳолат давлат иқтисодиётидан хусусий сектор устувор бўлган иқтисодий моделга босқичма-босқич ўтиш жараёни кечаётганини илмий жиҳатдан тасдиқлайди. Шу нуқтаи назардан, Жиззах вилояти мисолида тадбиркорлик фаолияти нафақат аҳолини иш билан таъминлаш, хизматлар ва маҳсулотлар ҳажмини ошириш воситаси сифатида, балки иқтисодиётнинг институционал трансформацияси, мулкчилик муносабатларининг ўзгариши ва бозор механизмларининг чуқурлашуви билан боғлиқ тизимли жараён сифатида намоён бўлади.

Жиззах вилояти туманларида охириги йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича барча кўрсаткичларда ўсиш суръатлари таъминланган. Хусусан, 2015 йилда Фориш туманида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 110 фоизга, шу жумладан ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 115,7, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 105,9 фоизга, капитал кўйилмалар 105 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 112,2 фоизга, чакана савдо айланмаси 116 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш 114 фоизга бажарилди. Таркибий қайта ўзгартиришларни кенгайтириш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва фаол диверсификация-макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш борасида туман иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, саноат соҳасида 5616 миллион сўм, шундан банк кредити ҳисобидан 3622 миллион сўм сарфланиб, 10 та лойиҳа амалга оширилди<sup>28</sup>. 2015 йилда Фориш туманида саноат соҳасида “Фориш сифаттекстил”, “Ясмингули савдо” хусусий корхоналари томонидан тайёр тикувчилик маҳсулотлари, “Элбек савдо бизнес” хусусий корхонасида нон ва нон маҳсулотлари, “Фориш саҳовати” ва “София жиҳоз” хусусий корхоналари томонидан мебел ва эшик, дераза ромлари ишлаб чиқариш

<sup>27</sup> Камолов Т. Тадбиркорлар давлат ҳимоясида // Жиззах ҳақиқати. – 2015. – 19 сентябрь (№78).

<sup>28</sup> Халқ депутатлари туман Кенгашининг сессияси // Forish tongi. - 2016 йил. - 30 январ. (№6).

хамда “Фориш улгуржи савдо инвест УБ” масъулияти чекланган жамияти томонидан 150 тонна сифимга эга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган музхона фаолияти йўлга қўйилди<sup>29</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 15 майида “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган эди. Унда давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, аризачиларнинг хизмат кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи мансабдор шахслар билан бевосита алоқасини истисно қилиш мақсадида бугунги кунда турли идоралар қошида фаолият юритаётган, алоҳида давлат хизматлари кўрсатаётган “ягона ойна” хизматларининг ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизида “Ягона дарча” тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилиши назарда тутилди.

Мазкур Фармоннинг мантиқий давоми сифатида 2015 йил 28 сентябрда Президентнинг “Тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда 2016 йил 1 январдан бошлаб 16 турдаги давлат хизматлари фақат “Ягона дарча” марказлари орқали амалга оширилиши назарда тутилди, шунингдек, эксперимент тариқасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг танлаб олинган жами 30 туман (шаҳар)ларида тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилди. “Ягона дарча” марказларини қўшимча равишда жиҳозлаш учун замонавий ташкилий

---

<sup>29</sup> Халқ депутатлари туман Кенгагининг сессияси // Forish tongi. - 2016 йил. - 30 январ. (№6).

техника ва компьютер ускунасини харид қилишни молиялаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

“Ягона дарча” маркази “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларидан ўтишда шаффофликни таъминлайди, тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда бюрократик ғов ва тўсиқларга йўл қўймасдан давлат хизматлари кўрсатаётган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатади. Аризачиларга информацион ёрдам кўрсатади, шунингдек давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультация беради.

Шунингдек, 16 турдаги давлат хизматлари фақат “Ягона дарча” марказлари орқали амалга оширилади. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатишда, қонунчиликда белгиланган тартибни қийинлаштиришнинг ҳар хил усулларида, жумладан рўйхатдан ўтиш ва лицензия олиш тартиб-таомилларини, шунингдек хусусий тадбиркорлик фаолиятига қаршилик қиладиган бошқа бюрократик тўсиқлардан фойдаланишга қатъиян йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Биринчи Президент Фармонида тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи “Ягона дарча” марказлари фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш Адлия вазирлигига юклатилган бўлиб, унга кўра Жиззах вилоят адлия бошқармаси томонидан Фармон талабларидан келиб чиқиб, бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Ягона дарча” марказларини ташкил этиш бўйича барча туман (шаҳар)даги мутасадди ташкилот раҳбарларидан иборат таркибда идоралараро ишчи гуруҳлари тузилди ва мазкур ишчи гуруҳларни назорат қилиш, услубий ёрдам кўрсатиш ва мувофиқлаштириш мақсадида, вилоятнинг мутасадди ташкилот

раҳбарларидан иборат таркибда вилоят идоралараро ишчи гуруҳи ҳам ташкил этилиб унинг тегишли вазифалари белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги Қарори талабларидан келиб чиқиб, вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда вилоятнинг Пахтакор ва Ғаллаорол туманларида тажриба (синов) тариқасида ишга тушириш белгиланган “Ягона дарча” марказларини 16 та тур давлат хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар билан интернет тармоғи орқали ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ишлари олиб борилди ва 2015 йилнинг октябрь ойида Пахтакор ва Ғаллаорол туманларида мазкур марказлар очилди.

2016 йилда вилоятда 1 та шаҳар ва 12 туман ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш ягона марказлари вилоятда фаолият юритиб келаётган 27.098 та тадбиркорлик субъектларига тегишли хизматлар кўрсатган, шундан жорий йил давомида “Ягона дарча” марказлари орқали 150 та тадбиркорлик субъектларига 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатилиши таъминланган, 989 та тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан, шундан 54 таси қайта рўйхатдан ўтказилди. Барча “Ягона дарча” марказларида жами 106 та штатлар мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда ишлаб турган ходимлар-сони 92 тани ташкил этади<sup>30</sup> ва марказлар етарли даражада компьютер ускуналари ва мебел жиҳозлари билан таъминланган.

Хулоса қилиб айтганда, Жиззах вилоятида 1991–2016 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг муҳим таркибий қисми сифатида кечди. Тадқиқ этилган материаллар шуни кўрсатадики, мустақилликнинг дастлабки йилларида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши натижасида

---

<sup>30</sup> Ҳасанов О. “Ягона дарча” маркази ва унинг тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги аҳамияти // <http://jizzax.adliya.uz/jizzax/uz/publikatsii/detail.php?ID=23980>

вилоят иқтисодиётида мулкчилик муносабатларининг тубдан ўзгариши юз берди. Агар 1991 йилда иқтисодиётда нодавлат секторнинг улуши атиги 2 фоизни ташкил этган бўлса, 1995 йилга келиб мазкур кўрсаткич 86 фоизга етди. Бу эса иқтисодиётнинг давлат монополиясига асосланган моделдан кўп укладли бозор муносабатларига асосланган тизимга ўтганлигини кўрсатади.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, 1990-йилларда хусусийлаштириш жараёни аввало савдо, маиший хизмат ва маҳаллий саноат объектларини қамраб олган бўлса, кейинчалик қурилиш, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ҳам кенг тарқалди. Натижада минглаб янги кичик корхоналар, ширкатлар ва фермер хўжаликлари ташкил этилиб, аҳолининг иш билан таъминланишига сезиларли ҳисса қўшди.

Шу билан бирга, тадқиқот натижалари кичик бизнес ривожда муайян муаммолар ҳам мавжуд бўлганини кўрсатади. Дастлабки босқичларда кичик корхоналарнинг асосий қисми савдо ва воситачилик фаолиятига ихтисослашган бўлиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида уларнинг улуши нисбатан паст бўлган. Бу ҳолат хусусий капиталнинг тез даромад келтирадиган соҳаларга йўналтирилгани ва ишлаб чиқариш секторини ривожлантириш учун зарур молиявий ҳамда инфратузилмавий шароитлар етарли даражада шаклланмаганлиги билан изоҳланади.

2000-йилларга келиб давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кредит ресурслари ажратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини янада кучайтирди. Натижада унинг ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш, транспорт ва инвестиция соҳаларидаги улуши изчил ўсиб борди.

Шунингдек, “Жиззах” махсус индустриал зонаси, маҳаллийлаштириш дастурлари, саноатни модернизация қилиш лойиҳалари ҳамда “Ягона дарча” тизимининг жорий этилиши тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулай

институционал муҳитни шакллантирди. Бу эса нафақат янги корхоналар ташкил этилишига, балки экспорт салоҳиятининг ошиши, янги иш ўринлари яратилиши ва маҳаллий саноатнинг рақобатбардошлигини кучайтиришга хизмат қилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 3-рўйхат, 40-иш, 30- варақ.
2. Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 3-рўйхат, 40-иш, 31- варақ.
3. Жиззах вилояти давлат архиви, 448-фонд, 3-рўйхат, 152-иш, 72- варақ.
4. Каримов И. Ислоҳотлар изчиллиги – тараққиётимизнинг муҳим омили / Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10 том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.87.
5. Каримов И. Ислоҳотлар изчиллиги – тараққиётимизнинг муҳим омили / Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10 том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.87.
6. Вилоят ҳокими тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказди // <http://jizzax.uz/main/page/916>
7. 2014 йилда Жиззах вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва иқтисодиётнинг муҳим йўналишларида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳақида маълумотнома // <http://jizzax.uz/main/page/160>
8. Камолов Т. Вилоят фаолларининг йиғилиши // Жиззах ҳақиқати. – 2014. - №92 (5505).
9. Истиқболли лойиҳалар самараси // <http://jizzax.uz/uz/2016/02/04/istiqbolli-loyihalar-samarasi/#more-3556>
10. Зоминда янги хорижий корхона ишга туширилди // <http://jizzax.uz/uz/2015/08/25/zominda-yangi-horijiy-korxonah-ishgataushirildi/#more-1764>